ЎЛКА МАОРИФ КОМИССАРИАТИ ТАРАФИДАН:

Мусулмон мактабларида дин дарслари

Ўткан 1918 йил 4 ноябрда Маориф комиссариати тарафиндан чикарилгон 38 ракамли буйрукнинг 6-моддасинда мусулмон мактабларида дин дарслари ўкитмок тўгрисинда тубандаги сўзлар ёзилгон эди:

«Мусулмон халки ўртасиндаги тараккиётнинг озлигин ва унлар орасиндаги таассуб ва кораликларни эътиборга олиб, дин дарслари тўгрисинда мусулмон мактабларига истисно килинур, хам мусулмон мактабларидан шогирдларига (имомлар тарафиндан ўкитилмок шарти ила) тахорат ва шунга ўхшаш мухимрок хавойижи диниярларин ўргатмакка муаллимларга ихтиёр берилди».

Бутун Туркистон жумхуриятиндаги ерлик мактабларда дин дарсларини ўкитув ва мактабда ибодатлар килдирув манъ килингон холда, ёлгуз мусулмонлар учун истисно тарикида дин дарсларини бермокга рухсат этилуб, чикорилгон мазкур буйрук ё халк орасига тамом таркалмаган ва ёхуд таркалган бўлса хам, мухтасар бўлгонлиги учун мазмуни яхши англашилмагон. Биноаналайх, халк орасинда ерлик мактабларга мухаббат ва рагбат ўрнига нафрат пайдо бўлиб, гўё ерлик мактабларда дин дарслари ўкитилмайдир, шубхасила кўп кишилар болаларини олиб, эски мактабларга бергонликлари ва баъзи ўринларда ерлик мактабларни очмокка халкнинг мамониъат кўрсатганлиги ва болаларин мактабларга бермагонликлари эшитиладур. Холбуки, юкорида ёзилгон буйрук мусулмон мактабларинда дин дарслари ўкутмокка комил ихтиёр берадур. Мисола, буйрукда «Тахорат ва шунга ўхшаш мухимрок хавойижи диниярларин» дейилганки, мухимрок хавойижи диния орасина намоз, рўза, хаж, закот, эътикодот, ахлок ва одоб мамошират ва мукаммал суратда Куръони карим ва шунларга ўхшаш заруриёти динияанинг хар бири керакдур. Буйрукда манъ килинган бир нарса бор бўлса, ул хам имомлар томонидан ўкитилмогидур. Холбуки, Русия мактабларида дин дарсларин хар вакт пўплар юриб ўкитганлар. Мусулмон мактабларида эса дин дарсларин шул вактгача имомлар юриб ўкитмасдан, факат мактаб муаллимларининг ўзлари ўкитгонлар, шул сабабли ул шарт мусулмон мактабларида дин дарсларини

мукаммал суратда ўкитмокка хеч бир халал келтирмайдир. Ибодат масаласига келгонда, мусулмонлар учун хар ерда муъбад ва масжиддир. Мусулмон болаларин ибодатдин хеч ким манъ килгони йўк, улар тилаган ўринларида муаллимлари бошлик тилаганларича ибодат кила билурлар. Мусулмон мактабларида дин дарслари ўкитмок тўгрисидаги буйрукни бу тарика тафсил бермак ила буни хам илова килинурки, ерлик мактабларида дин дарслари ўкитмок учун муаллимларга комил ихтиёр берилган.

Бу ихтиёрдин фойдаланиб, хар бир муаллим ўзининг дарс жадвалига лоакал хафтада уч-тўрт соат дин дарслари киритуб (бошка фанларнинг соатига зарар еткурмаслик шарти ила), ул соатларни ибодат, эътикодиёт, Куръон ва ахлок каби кисмларга бўлиб ўкитмокка виждонан мажбур ўлса керак. Хозиргача баъзи мактабларда дин дарслари берилмас экан, иш хукумат нуксонидан эмас, балки муаллимларнинг нуксонлари ва буйрукдан хабарсизликларидан. Бу хусусда кўл остиларидаги муаллимларга тегишли буйрук ва маълумотни бермок ва дин дарслари учун муфассал программлар тузиб эълон этмак махаллий маориф шўъбалари хузуридаги турк шўъбаларининг вазифаларидир. Эски мактабларга келсак, уларда на илм-билим бор ва на дин бор. Балки ёш болаларнинг рухоний ва хам жисмоний жихатдан хароб этилиб ётган танбалхоналардир. Биноаналайх, ундай зарарли мактаблари етарлик ёки мактаблар очилгон хар бир ўринда ёпар. Даромадларнинг текисрокларини ижтимоий таъминотга ёзиб, маишатларин ундан таъмин этдирмок, ёшрокларин таълим ва тарбия курсларида бир оз ўкитиб, янги мактабларга муаллим ўларок ўрнаштирмок лозимдур.

Аммо ёлгиз Куръони каримни хифз этдирмок максади ила давом этуб тургон корихоналар (бошларида муктадир корилар турмок шартила) ёйилмасдан, аввалги холларида давом этмаклари мумкиндур.

Ўлка Маориф комиссари: **Мухаммадамин Афандизода**

Турк шўъбаси мудири: **Мунаввар кори**

«Иштирокиюн» газетаси, 1919 йил, 28 апрел